

Рамазон ойида ёш болаларни рўза тутишга муҳаббатини ошириш

13:35 / 29.05.2017 3422

Рамазон ойида ёш болаларни рўза тутишга муҳаббатини ошириш воситалари:

Илгари Шом аҳлининг одати, улар ёш болаларига рўза тутишни ўргатиб, уни "Минора зинаси", деб номлашар эди. Демак ёш бола бомдоддан пешингача рўза тутди. Сўнг пешиндан асргача рўза тутди. Кейин асрдан то қуёш ботиб, катталар билан оғизни очгунича рўза тутди. Биринчи рўза тутган куни у бола учун махсус дастурхон ёзилади. Ўша дастурхонни "Ифторлик дастурхони", деб номланади. Дастурхон устида кичик лаган ва турли хил алвондаги овқат ичимлик ва ҳар-хир ширинликлар ҳамда ўша пайтда мавжуд бўлган мевалар қўйилади. Бола марказда туради. Аҳли уни ўраб олиб, мақтаб, олқишлайдилар. Аллоҳга қандай ҳамд айтишни ўргатадилар. Унга Аллоҳ ҳузурида қандай ажрлар борлигини тушунтирадилар. То ифтор бўлганини билдирувчи замбарак отилгунича шундай қиладилар. Мазкур дастурхон ёш болаларни рўзага муҳаббатини оширишда из қолдирувчи энг муҳим воситалардан биридир.

Али Тантовий.